Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 63 (5667). 31 март, 1976 йил ЧОРШАНБА Баҳоси 2 тийин.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

29 мартда СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан партия XXV съездига қилган Ҳисобот докладидаги қондалар ҳамда вазифалар ва 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари асосида капитал қурилиш ишларини яхшилаш масалалари қараб чиқилди.

Мажлисда ўтган беш йил мобайнида саноатнинг ўзидагина қарийб икки минг йирик корхона ва замонавий техника билан жиҳозланган жуда кўп объектлар ишга тушириладиганлиги ўқтириб ўтилди. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг умумий ҳажми 1,5 баравар кўпайди. Жами саҳни 550 миллион квадрат метردан иборат уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Корхоналар ва объектларни қуриш муддати қисқартирилди, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва реконструкциялаш учун сарфлар миқдори кўпайди. Бу эса халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағ самарадорлиги ошганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга СССР Министрлар Советининг мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, капитал қурилиш ишларида ҳали бир қанча проблемаларни ҳал этишга ва мавжуд камчиликларни тугатишга эришилгани йўқ. Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан берилган топшириқлар оғзаки тармоқларда қониқарсиз бажарилмоқда. Пудрат ишлари плани ҳам бажарилмаяпти. Капитал маблағларни ва материал—техника ресурсларини жуда кўп қурилишларга тақсимлаб юбориш ҳоллари ҳали ҳам давом этмоқда.

СССР Министрлар Совети КПСС XXV съезди қарорларини назарда тутиб, СССР министрларига, идораларнинг раҳбарларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига капитал қурилишдаги камчиликларни оартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўришни таклиф этди. Аввало мавжуд корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашга ҳамда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминлайдиган объектларни қуришга капитал маблағларни сарфлаш зарур эканлигига алоҳида эътибор берилди.

Тегишли марказий органларга капитал қурилиш ишларини яхшилаш юзасидан кўрилаётган зарур тадбирлар тўғрисидаги таклифни ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ А. Н. Косигин нутқ сўзлади.

ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИГА САЙЛОВЛАР

«Биз инсон шахсини, гражданлик ҳуқуқларини ҳар томонлама ривожлантириш ғамини ейиш билан бирга, жамоат интизомини мустаҳкамлаш проблемаларига, барча гражданларнинг жамият олдидаги ўз бурчларига риоя қилишларига лозим бўлган даражада диққат-эътибор бермоқдамиз. Чунки, интизом ва мустақил жамоат тартиби бўлмаса, демократияни амалга ошириб бўлмайди. Ҳар бир гражданнинг ўз бурчларига, халқ манфаатларига масъулият билан ёндошувигина социалистик демократизм принципларини тўлиқ равишда амалга оширмоқда, инсон шахсининг чин эркинлигини таъминламоқ учун бирдан-бир мустаҳкам негиз яратиб беради».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXV съездида қилган Ҳисобот докладида айтилган бу қимматли сўзлар совет гражданлари ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини мустаҳкамлаш, уларнинг давлат ва жамоат олдидаги бурчларини тўла адо этишга қаратилиши билан бирга, мамлакатимизда социалистик демократияни ривожлантиришда гражданлар ҳамда суд органлари олдига катта масъулият қўяди.

Яна бир неча кундан сўнг—11 апрелда совет кишилари халқ судьяларига ўзларининг энг муносиб вакилларини сайлайдилар. Бу ғоят муҳим сиёсий кампанияга ҳамма ерда, областимизнинг барча шаҳар ва районларида қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Халқ судьяларининг бу галги сайлови тарихий кунларга — шонли Коммунистик партиямизнинг XXV съезди қарорлари бутун халқимизни сиёсий ва меҳнат соҳасида янги зафарларга илҳомлантирган кунларга тўғри келди. Социалистик демократияни янада ривожлантириш, давлат ва жамоат ҳаётининг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб берган бу съезд қонунчиликни такомиллаштиришга ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, гражданларни совет қонунларига ва ахлоқ нормаларига муттасил риоя қилиш руҳида тарбиялашга катта эътибор берди.

Халқ судьялари — ғоят муҳим ва масъулиятли вазифани бажарадилар. Улар совет қонунларининг ҳақиқий ҳимоячилари бўлишлари билан бирга, гражданларни тарбиялашда катта роль ўйнашлари лозим. «Судьялининг юксак вазифасини бажариш,— дейилади «Правда» газетасининг бош мақоласида,— чуқур сиёсий ва профессионал тайёргарликни, кенг билимдонлик ва маданиятлиликни, ҳаётнинг мураккаб ҳодисалари ва одамларнинг характерларини яхши билиш маҳоратини, социалистик жамият манфаатларини бузиш ҳолларига нисбатан принципал ва муросасиз бўлишни талаб қилади». Областимизда бир неча йилдардан буён халқ судьяси вазифасида ишлаб келаётган ишчан, тажрибали ходимлар кўпгина бор. Улар халқ ҳурматига сазовор кишилардир. Жамоат тартибининг бузилишига, давлатни алдаш, социалистик мулкни ўғирлаш сингари ҳолларга қатъий кураш олиб бормоқдалар. Аҳоли ўртасида, корхона ва коллективларда, колхоз ва совхозларда, маҳаллаларда тез-тез бўлиб, қонун-қондалар, қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботлар ва гражданларнинг бурчлари ҳақида суҳбатлар ўтказадилар, лекциялар ўқийдилар.

Шу кунларда меҳнаткашлар оммаси билан халқ судьяларининг учрашувлари ва ҳисоботлари бўлиб ўтмоқда. Кенг жамоатчилик суд органлари фаолиятини яхшилаш, уларнинг аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданият асосларини янада кенг пропаганда қилиш соҳасида қимматли таклифлар бермоқдалар. Бу учрашувларда меҳнаткашларнинг хатлари, шикоят ва аризалари билан ишлаш, текшириш масалаларини яхшилаш, сансалорликка қатъий чек қўйиш, ҳар бир гражданнинг талаб ва эҳтиёжига диққат билан қараб, сезгир муносабатда бўлиш ҳақида наказлар бермоқдалар.

Халқ судьяларига сайловлар кампаниясини юксак савияда уюшқоқлик билан ўтказиш партия, совет ташкилотлари ва бутун жамоатчиликнинг ғоят муҳим вазифасидир. Сайлов участкаларида бўлаётган учрашувларни меҳнаткашлар оммасининг актив иштирокида ўтказиш лозим. Бу учрашувлар халқимизнинг сиёсий фаолияти ва меҳнат ғайратини янада оширишга хизмат қилсин. Партия ва совет ташкилотлари, юстиция органлари жойларда агитация ва пропаганда ишларини олиб боришда идеология ва оммавий ишларнинг турли шакл ва методларидан кенг фойдаланишлари зарур. Агитаторлар, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар совет судьялари ғоят қийин ва шу билан бирга фахрли вазифаларни бажараётганликларини, уларга катта тарбиявий ишлар топшириб қўйилганлигини ҳар бир меҳнаткашнинг онгига етказишлари керак.

Мамлакатимизда одил судлов — давлат ишларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг кенг иштирок этиши тўғрисидаги ленинча принципга қурилган маҳкам халқчил, демократик суддир. Совет судьялари — халқ манфаатларини ифода этадиган Халқ судьялари — мустақил бўлиб, фақат қонунга, социалистик одил судловга амал қиладилар. Халқ маслаҳатчилари эса судьялар билан бирга тенг ҳуқуқлар асосида иш олиб борадилар.

Халқ судьялари халқимиз, партия ва ҳукуматимиз уларга юксак ишонч билдириб, масъулиятли ўринларга бутун халқ номидан сайлаб қўйганликларини унутмасликлари керак. Халқ судьяси бўлиш—шарафли бурч. Уни қадрлаш, юксак номга мутлақо доғ туширмаслик, қонун-қондаларни, ҳуқуқ-тартиботларни қатъият билан амалга ошириб, жамоат ўртасидаги ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар, гражданлар манфаатига зиён етказишларга қарши сабот-матонат билан курашолиб бориш лозим. Суд органлари қабул қиладиган қарорлар тўғри, ҳаққоний ва одилона бўлиши керак. Шунинг учун ҳам халқимиз совет судьяларини одилона судьялар деб ҳурмат қиладилар.

Халқ судьялари сайловларига тайёргарлик областимиз олдида турган сиёсий-хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришда меҳнаткашлар куч ва ғайратини, ватанпарварлик ташаббусларини янада кенг қанот ёйдириб юборишга, беш йилликда белгиланган улуғвор вазифаларни тўла адо этишга ёрдам берсин.

Шу кунларда Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози халқ назоратчилари катта ва масъулиятли ишларни бажармоқдалар. Экиш агрегатлари далага чиқариш олдидан синчиклаб текширилаётир.

Суратда: халқ назоратчиси Тошпўлат Норматов, Мажид Бўрибеков, Эргаш Пирматов ўртоқлар уруғлик чигитнинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

«САОДАТ» ЖУРНАЛИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Саодат» журнали редакцияси ходимларини, авторлар коллективи ва кўпдан-кўп ўқувчиларини шонли воқеа — журналнинг 50 йиллик юбилейи ҳамда унга «Ҳурмат белгиси» ордени берилганлиги билан қизғин ва самимий табриклайдилар.

Журналнинг ярим асрлик йўли республика партия ташкилотининг, барча меҳнаткашларнинг социалистик ва коммунистик қурилишда муваффақиятларга эришиш учун, улуғ Ленининнинг меҳнаткаш хотин-қизларнинг жуда катта қисми актив қатнашмай туриб социалистик узгариш бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги кўрсатмаларини амалга ошириш учун олиб борган кураши тарихи билан чамбарчас боғланган. Журнал эҳтиросли пропагандист ва агитатор бўлгани ҳолда хотин-қизларни рэоблиққа чиқаришда, уларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий сиёсий ҳаётга актив жалб этишда муҳим роль ўйнади.

Журнал Ўзбекистоннинг шонли зарбдор меҳнаткаш хотин-қизларига бағишланган материалларни ҳар бир сонида эълон қилиб турибди. Юзлаб хотин-қизлар улардан ўрнак олиб завод ва фабрикаларга бордилар, янги касб-ҳунарларни эгалладилар, катта колхоз онларига қўшилдилар. Журнал саҳифаларида дастлабки беш йилликларнинг юзлаб ажойиб хотин-қиз қаҳрамонлари акс эттирилди, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ҳозирги авлоднинг бахтиёр тақдири тўғрисида ҳикоя қилиб берилди. Журнал социалистик ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш учун олиб борилган курашнинг олдинги маррасида туриб аёлларни ва ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга ошириш учун сафарбар этишда партиянинг актив ёрдамчиси бўлиб келди ва ҳозир ҳам актив ёрдамчидир.

«Саодат» журналининг ярим асрлик юбилейи КПСС XXV съезднинг тарихий қарорлари туфайли совет халқининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги мисли кўрилмаган даражада юксалган оғир вазиятда шонли дамларда нишонланмоқда. Мамлакатда партиянинг улуғвор режаларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси тобора кенгайиб бормоқда.

Журналнинг вазифаси коммунистик қурилишда, унинг беш йиллик планларини бажаришда хотин-қизлар иштирокини ўз саҳифаларида кенг ва ҳар томонлама ёритишдан, хотин-қизларни коммунистик эътиқод ва юксак ғоявийлик руҳида тарбиялашнинг актуал проблемаларини дадиллик билан ўртага қўйиш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети «Саодат» журнали редакциясининг ходимларига, авторлар активи ва журналхонларга севимли Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида янги-янги ижодий зафарлар тилайди ва журнал Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди қўйган вазифаларни ҳал этишда бундан буён ҳам республика партия ташкилотининг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолади, деб ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ҚАДРДОН ДЎСТ ВА ДОНО МАСЛАҲАТГЎЙ

«Саодат»... Бу ажойиб сўзнинг олам-олам маъноси бор. «Саодат» сўзи минг-минглаб пахтакор ва олим, тўқувчи ва артист, ўқитувчи ва врач, сувоқчи ва шоира аёлларнинг, замон билан баббаравар одим ташлаб, коммунизм қураётган, ўз фарзандларини бахт-саодатли бўлсин деб, тинчлик даврида яшасин деб тарбия қилаётган ажойиб аёлларимизнинг номларига айланиб кетган. «Саодат» журнали ана шу кишиларнинг ҳаёти ва меҳнати тўғрисида ҳикоя қилади. Бугун журнал эллик ёшда, Бугун «Саодат» журнали обуначиларининг сонига қараб, унинг шаънига айтилган қизғин, самимий сўзларга қараб, унинг ўз қаҳрамонларини топишдаги жўшқин ғайратига ва тинимсиз изланишларига қараб, журнал саҳифаларидаги бақор сувларидек жўш ураётган шеърларга қараб журналнинг ёши анча улуғ ёки ҳали бу журнал анча навқирон ёшда ҳам дейиш мумкин...

«Саодат» журналининг юбилей санасида донишмандлик билан ёшлик омихта бўлиб кетган. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига, Шарқдаги янги аёлнинг ажойиб образини яратишга ҳисса қўшиб келаётган журналнинг юбилейи билан табриклагани, Ўзбекистон ҳаётидаги бу тарихий воқеани нишонлагани 30 март куни Свердлов номли театр залида республика жамоатчилигининг намояндалари, кўпдан-кўп журналхонлар тўпланишди. Москва, Киев, Минск, Фрунзе, Ашхободдан «Саодат»ни табриклагани ўз дугоналари—қардош республикаларда хотин-қизлар учун чиқариладиган журналларнинг вакиллари юбилей тантанасига меҳмон бўлиб келишди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев тантанали йиғилишни очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилади. Ш. Р. Рашидов «Саодат» журналини «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини залдаги кишиларнинг қарсаклари остида ўқиб беради. Журнал Совет Ўзбекистони хотин-қизларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги самарали иши учун ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Гулдурос қарсаклар остида орден журнал байроғига тикиб қўйилади.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Саодат» журналига табрикномасини ўқиб берди.

Ш. Р. Рашидов журналнинг барча ходимларини, улар орқали эса матбуотнинг ҳамма ходимларини, журналхонларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан самимий қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, партия XXV съезди белгилаб берган режаларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Журналнинг бош редактори, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия «Саодат» журналининг босиб ўтган йўли, журнал ўзининг эзгу сўзи билан қўмаклашишга интилиб, ўз қаҳрамонлари билан бир сафда борганлиги, бахтиёр ҳаёт қурилишида уларни янги марраларга бошлаганлиги тўғрисида ҳозир бўлганларга сўзлаб берди.

Кечада Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги В. Николаева-Терешкова номли колхоз раиси У. Ҳасанова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали санъатшунослик секторининг мудири С. Баҳодирова дўст, маслаҳатгўй, ёрдамчи «Саодат» журналига ташаккур сўзларини ва эзгу истакларини изҳор этдилар.

«Советская женщина» журналининг бўлим мудири Р. Боймуротова, «Работница» журналининг бўлим мудири Н. А. Вьюкова, Украинада чиқадиган «Радянська жінка» журналининг бош редактори Г. А. Литвинова, Белоруссияда чиқадиган «Работница и селянка» журналининг бош редактори М. И. Карпенко «Қазақстан аёллари» журналининг бош редактори А. Жакетова, «Азербайжан қадини» журналининг бош редактори С. Нажафова, «Фемея Молдовей» журналининг бош редактори Е. Ф. Жеменецкая, «Қирғизстан аёллари» журналининг масъул секретари Г. Мўминова, «Занони Тоҷикистон» журналининг бош редактори Х. Муҳитдинова, «Айастани ашхатаворун» журналининг бош редактори А. Г. Чилингарян, «Совет Туркменистанининг аёллари» журнали бош редакторининг ўринбосари Р. С. Урозова, Татаристонда чиқадиган «Азат хатин» журналининг бош редактори А. Ф. Ҳасанова, Эстонияда чиқадиган «Нуноуде найне» журналининг бош редактори А. Кнйтам, «Женщичини Дагистана» журналининг масъул секретари Б. С. Мусанабиева, «Башкортостан қизи» журналининг бош редактори Р. С. Рустамова журнал коллективини самимий табриклидилар.

Йиғилишда Совет хотин-қизлари комитетининг раиси В. В. Николаева-Терешкова қўл қўйиб, шу комитет номидан «Саодат» журналига йўлланган табрик телеграммаси ўқиб эшиттирилди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номига якдилик билан табрикнома йўллардилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаҳонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев иштирок этдилар.

...Кечада саҳна усталари юбилярга, унинг ўқувчиларига, «Саодат» журналининг дўстларига байрам концертини туҳфа қилдилар. Ажойиб меҳнаткаш аёлларга, она қўлларига, уларнинг одамларга кўклам, қуёш, бахт-саодат бахшида этувчи саҳоватли қалбларига бағишланган шеърлар ва қўшиқлар янгради.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия «КПСС XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида»ги масалани муҳокама этди. Бу масала юзасидан область ижроия комитетининг раиси Н. И. Белоусов доклад қилди. Сессияда ана шу масала юзасидан капитал ва йўл қурилиши бўйича область Совети доимий комиссиясининг раиси Н. А. Масленниковнинг қўшимча доклади ҳам тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

(Сессия тўғрисидаги ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

ПАРТИЯ БИЛАН БИР ЖОН, БИР ТАНМИЗ

Ҳар бир ўтган кун совет кишиларининг ҳаётида сезиларли из қолдирмоқда. Уларнинг бутун фикр-зикри, ишлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажаришга қаратилгандир.

Республикада мамлакат коммунистларининг анжуманига якунларини муҳокама қилишга бағишланган район, партия ташкилотларининг активи йиғилиши баланд руҳ билан ўтмоқда. Тошкент шаҳридаги Октябрь районининг партия активи йиғилиши иштирокчилари ўз вазифаларини ишчанлик, астойдил манфаатдорлик руҳида муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов йиғилишда доклад қилди.

Республика пойтахтининг бошқа районларида ҳам партия активларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Г. Анисимкин Куйбишев районида, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев Фрунзе районида партия активи йиғилиши иштирокчилари ҳузурида доклад қилдилар.

Йиғилишларнинг иштирокчилари партия съезди қарорларини коммунистлар, барча меҳнаткашлар номидан қизғин маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, съезд йўл-йўриқларини шараф билан амалга оширамиз, деб астойдил ишонтирдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ГЕОЛОГИЯ МИНИСТРЛИГИ ГЕОЛОГИЯ-РАЗВЕДКА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Фойдали қазилмалар разведка қилинган запасларини кўпайтириш ва геология-разведка ишларининг самарадорлигини ошириш юзасидан тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган жуда катта муваффақиятлари учун қуйидагиларга **«Социалистик Меҳнат Қаҳрамони»** унвони берилиб, **Ленин** ордени билан **«Урок ва Болга»** олтин медали топширилсин:

Болтабоев Шокир—«Ташкентгеология» бирлашмаси Олмалиқ геология-разведка экспедициясининг пармаловчиси.

Каримова Саима Сафиевна — Якутия геология бошқармаси, Жанубий Якутия геология-разведка экспедициясининг бош геологи.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1976 йил 10 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва «Саодат» журналининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти чуқур босма цехининг печатниги Шавкат **Абдиҳаимова**, «Саодат» журнали бош редакторининг ўринбосари Холида Саидовна **Аҳророва**га, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти журнал-ҳарф териш цехининг тузатувчиси Темир **Иброҳимов**га, «Саодат» журналининг фотомухбири Борис Абросимович **Мизроҳинга** ҳамда «Саодат» журнали маданият ва турмуш бўлимининг мудири Насима Нажмитдиновна **Юсупова**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуоти, полиграфиясида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва «Саодат» журналининг 50 йиллиги муносабати билан журнал редакциясининг энг яхши ўрнак кўрсатган ходимлари, актив штатсиз мухбирларидан: штатсиз мухбир Уллибиби **Отаевани**, масъул секретарь Санъат Садировна **Маҳмудовани**, хатлар бўлимининг мудири Роза Ҳайриддиновна **Сайфиевани**, журнални бадиий безатиш бўлимининг мудири Лена Абубакировна **Салимжоновани**, штатсиз мухбир Машкура Муҳамаджоновна **Султоновани**, штатсиз мухбир Салоҳ **Ҳасановни**, партия турмуши бўлимининг мудири Раҳима **Шомансурованн**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ходимларидан корректор Жаҳонгир **Абубакров**ни, катта инженер-технолог Римма Васильевна **Холькинани**, чуқур босма цехининг бошлиғи Асқар Қосимович **Еқубжонов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1976 йил 30 март №84 Москва шаҳри

БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1976 ЙИЛНИНГ МАЙ-ИЮНИДА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА ВА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги Қонунига биноан буюраман:

1. Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатлари 1976 йил 1 июлгача тугайдиган ҳарбий хизматчилар 1976 йил майиюнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз флоти, чегара ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг биринчи моддасига биноан ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан чақириқ кунигача 18 ёшга тўлган, чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган гражданлар, шунингдек чақириқ муддатини узайтириш фурсати ўтиб кетган катта ёшдаги гражданлар Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз флоти, чегара ва ички қўшинлар сафида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареяларда, эскадрильяларда ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР Мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
А. ГРЕЧКО.

СОЦИАЛИЗМНИНГ ПОРЛОҚ ЙЎЛИДАН

БОЛГАРИЯ КОММУНИСТЛАРИ СЪЕЗДИ

СОФИЯ, 29 март. (ТАСС). Болгария Коммунистик партиясининг бугун очилган XI съездида БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Тодор Живков БКП Марказий Комитети номидан ҳисобот доклади қилди.

БТА агентлиги юборган доклад матнида айтилади, БХРни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик плани муваффақиятли бажарилган. Республика халқ хўжалиги интенсивлаш, илмий-техника тараққиёти йўлида ривожланиб бормоқда. Экономиканинг юксалиши билан бирга меҳнаткашларнинг моддий ва маданий фаровонлик даражаси ошди, халқнинг социал-иқтисодий бирлиги янада мустаҳкамланди, социалистик турмуш тарзи ривожланди. Социалистик ижтимоий муносабатлар такомиллаша борди.

Халқимизнинг экономика ва маданиятни ривожлантиришда, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашда эришган катта-катта муваффақиятлари ва бизнинг изчил ленинча ташқи сиёсатимиз партия билан ватаннинг халқаро обрў-эътиборини оширди. Бугунги кунда Болгария Халқ Республикаси халқаро қаётда ҳурмат-эҳтиром қозонган партнер бўлиб қолди.

Партиямиз ва халқимиз капитализмдан социализмга ўтиш даврида инсониятнинг байроқдори — Улуғ Ленин партияси XXV съезднинг ғоят кучли таъсири остида яшаб турибдилар, деди Т. Живков. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг ёрқин доклади ҳамда КПСС XXV съезднинг қарорлари совет халқи учун коммунистик жамият қуришда дастуруламал ва руҳлантирувчи омил бўлиб қолиши билан бирга бутун дунёда урушга қарши, озодлик ва мустақиллик учун, демократия ва социал тараққиёт учун, социализм учун курашаётган миллионмиллион софдил кишилар кучига-куч қўшишига, келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлашига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Т. Живков жаҳондаги вазиятни ва БКП халқаро фаолиятини таърифлаб таъкидладики, партиянинг X съезди билан XI съезди ўртасидаги давр ичида кучлар нисбатининг тинчлик, демократия ва социализм фойдасига тобора ўзгариб борши жаҳондаги тараққиётнинг белгиловчи ҳислати бўлди. Қардош социалистик мамлакатлар турмушнинг ҳамма соҳаларида янги-янги катта муваффақиятларга эришдилар.

Халқаро муносабатлар соҳасида кескинликни юмшатиш жараёни ҳамда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат Ленинча принципларни қарор топдириш ҳисобот даврида белгиловчи тенденция бўлди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Совет Иттифоқи, КПСС жаҳонда янги иқлимни яратиш ва қарор топдиришга ҳал қилувчи ҳисса қўшди, деди Т. Живков. Ер юзидаги ҳамма холис ниятли кишилар тинчлик ҳужуми коммунистик арбоблар ленинча мактабининг муносиб вакили, замонамизнинг энг атоқли ва энг мухтарам сиёсий раҳбари ва давлат арбоби — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг номи ва ҳормас-толмас фаолияти билан боғлиқ эканлигини яхши биладилар.

БКП жаҳон социалистик системаси пайдо бўлган вақтдан бери Болгария оилан қардош социалистик мамлакатларнинг ўзаро муносабатларига ҳамиша биринчи даражали аҳамият бериб келди. Партиямиз социалистик мамлакатларнинг марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм асосида янада қалин жипслашуви, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бош сиёсий ва ҳарбий иттифоқи бўлмиш Варшава шартномаси ташкилоти манфаатлари йўлида ҳамиша иш кўриб келди ва бундан кейин ҳам шундай иш кўраверади, деди докладчи. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ташқи иқтисодий сиёсатимизнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ҳох эски, ҳох янги тарихий тажриба социалистик мамлакатлар ўзаро муносабатлари даражаси ва бирлигининг пишиқлиги ҳар бир алоҳида социалистик давлат билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар ва бирликка қараб кўпроқ даражада аниқланади, деган ишончимизни тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам Болгария-Совет қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш тўғрисида доимо қайғуриш партиявий-сиёсий, идеологик, маданий ва мудофаа фаолиятимизнинг марказида бўлиб келмоқда, деди БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Ўн биринчи съезд минбарида туриб яна бир карра шуни баралла айтамизки: биз, Болгария коммунистлари, Болгария меҳнаткашлари, бутун болгар халқи Болгарияда ривожланган социалистик жамият, сўнгра эса коммунизм қуришнинг ўзга йўлини, Ленин партияси оилан ғоят қалин, ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, Болгария Халқ Республикасининг улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан тобора, тўла, тобора узвий яқинлашиб бориши шароитларида совет ака-укаларимиз ва опасингилларимиз билан ёнма-ён туриб боришдан ўзга йўлни тасаввур қила олмаймиз. Биз айрим социалистик мамлакатларда социалистик жамиятнинг бундан буёнги тараққиёти Ленин башорат қилганидек, социалистик миллатлар бирлашган Ҳамжамияти яратилишига олиб боражагига ишонганлигимизни яна бир карра таъкидлаймиз. Биз КПСС ва СССР билан, социалистик мамлакатларнинг партиялари ва халқлари билан ҳар томонлама ўзаро муносабатларимизни шу буюк тарихий истиқболга амал қилган ва ундан руҳланган ҳолда олиб бораяпмиз ва бундан кейин ҳам шундай қилаверамиз, деб баралла айтамиз.

Сўнгра докладда айтилдики, Хельсинкидаги кенгаш кескинликни юмшатиш ва ҳамкорликни ривожлантириш сиёсати олдида янги-янги уфқлар очиб берди. Болгария Европа ва бутун дунё учун умумий кескинликни юмшатиш тенденцияси шароитларида интенсив фаолиятини ривож топтирди ва Болқондаги давлатлар билан сиёсий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларида каттагина силжишга эришди. БХР Болқондаги принципиал ва конструктив тинчликсевар сиёсатига, конъюктура мулоҳазалари таъсир ўтказа олмайдиган сиёсатга бундан буён ҳам содиқ бўлиб қолаверади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПССнинг XXV съездида тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буён олиб бориладиган кураш программасини олға сурди. Шу минбарда туриб Болгария Коммунистлари номидан, бутун меҳнаткаш болгар халқи номидан шуни тантана билан айтишга рухсат бергайсизки, Болгария Коммунистик партияси ва Болгария Халқ Республикаси, биз ҳаммамиз шу программани сўзсиз қўллаб-қувватлаб, уни ўз программамиз деб қабул қиламиз! Шу программа амалга ошмоғи учун биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз, ўз ҳиссамизни ҳормай-толмай қўшиб боравераміз, деди Т. Живков.

Коммунистик партиялар, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг, жамики антиимпериалистик фронтнинг ҳақиқий манфаатлари ўнг ва «сўл» ревизионизмга қарши, миллатчилик ва антисоветизмга қарши кураш давом эттирилмоғини тақозо қилади, деб таъкидлади БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари. Маоизмнинг тубанлашуви янги бир паллага ўтди. У империализм, фашизм ва реваншизмнинг энг агрессив кучлари билан, тинч-тотув яшаш ва социал тараққиёт муҳолифлари билан иттифоқ тузиш йўлига ўтди. Унинг хатти-ҳаракатлари халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун тобора хатарли бўлиб бормоқда. Ҳозирги Хитой раҳбарларининг сиёсати ва идеологияси марксизм-ленинизмга, коммунистик идеалларга ғоятда душмандир. Партиямиз маоизмга қарши, уни сиёсий ва ғоявий жиҳатдан тор-мор эттириш учун курашда актив қатнашишни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

Ўзининг революцион анъаналарига содиқ Болгария Коммунистлар партияси ҳозирги дунё ва жаҳон революцион процессининг актуал проблемаларини коллектив бўлиб муҳокама қилиш ва ҳал этишга, муқаддас коммунистик қардошликни кучайтириш ва мустаҳкамлашга бундан буён ҳам ўз ҳиссасини қўшиб бораверади. БКП Коммунистик ва ишчи партиялар янги Умумжаҳон кенгашини тайёрлаш ва ўтказиш учун шарт-шароитлар пишиб етилди, деб ҳисоблайди.

Сўнгра, Т. Живков партиявинг экономика ва илмий техника тараққиёти соҳаларидаги вазифаларига тўхталди. Шу соҳада эришилган якунлар халқимиз БКП раҳбарлигида ривожланган социалистик жамият қуришда янги-янги чўққиларга эришганлигидан далолат беради, деди у. Мамлакатнинг иқтисодий қудрати ва мудофаа қобилияти анча ошди. Мамлакатнинг моддий ва маънавий равнақ топишига фаннинг қўшган ҳиссаси кўпайди.

Экономика муттасил ривожланиб борди. Болгария ўсиш суръатлари жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Миллий даромад 46 процент кўпайди. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги 44 процентдан зиёд қўтарилди.

БКП Марказий Комитети «Еттинчи беш йилликда Болгарияни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини съезд муҳокама этиб, тасдиқлаши учун тақдим этди.

Партиянинг ҳалқ моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришдан, халқ хўжалигининг муттасил пропорционал ривожланишини таъминлашдан, меҳнат унумдорлигини тез оширишдан иборат йўлини оғишмай ўтказиб бориш — еттинчи беш йилликдаги асосий социал-иқтисодий вазифа эканлиги шу ҳужжатдан кўриниб турибди. Бу вазифа чуқурлашиб бораётган социалистик интеграция шароитларида амалга оширилади.

Т. Живков социалистик турмуш тарзини ривожлантиришнинг баъзи масалалари тўғрисида гапириб, партия билан халқ экономикани жадал ривожлантириши халқнинг фаровонлигини муттасил юксалтириш билан бирга қўшиб олиб боришдек катта ва мураккаб вазифани муваффақиятли уддалаяпти, деб таъкидлади. Олтинчи беш йилликда — аҳолининг реал даромадлари 32,4 процент кўпайди, ҳолбуки директиваларда кўзда тутилган ўсиш 25—30 процентни ташкил қиларди. Еттинчи беш йилликда ҳам меҳнаткашларнинг фаровонлиги муттасил кўтарилиб бораверади.

Докладнинг партия аҳволи ва вазифаларига бағишланган бўлимида БКП юқоридан қуйигача, Марказий Комитетдан бошланғич партия ташкилотларигача маҳкам жипслиги ва бирлиги тўғрисида гапирилади. Партия биз бораётган йўл бирдан-бир тўғри йўл эканлигига қаттиқ ишонади. Партия БКП Марказий Комитети 1956 йил апрель Пленумининг йўли изчил ўтказилиши ва ривожлантирилиши учун, Болгарияда ривожланган социалистик жамият қуриш программасининг бажарилиши учун курашмоққа маҳкам бел боғлаган, деди Т. Живков.

Икки съезд ўртасидаги вақт ичида партия аъзоларининг сони 90.320 нафар кўпайиб, жами аъзолар 789.796 кишига етди.

Докладчи ривожланган социалистик жамият қуриш босқичида партиянинг идеология иши масалаларига алоҳида эътибор берди. У кадрларни назарий жиҳатдан тайёрлашда, марксизм-ленинизмни ўрганишда назария билан партия сиёсати ва амалий вазифаларнинг боғлиқ бўлишига эътибор бериш зарур, деб таъкидлади.

Ижтимоий тузуми турлича давлатларнинг тинч-тотув яшаши қарор топиши билан бирга мафкуравий курашнинг аҳамияти ҳам ўсиб боради. Кучлар нисбати ўзгарганлигига қўнишга мажбур бўлган империализм мафкуравий кураш соҳасида ўч олиш йўлларини излайди.

Бизнинг идеология фронтимиз СССР ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг идеологик фронтлари билан, халқаро коммунистик ҳаракат билан қалин ҳамкорликда бутун дунёда коммунистик ғояларнинг қудратли ҳужумида, буржуазия идеологиясига қарши умумий курашда актив қатнашмоқда ва бундан буён ҳам тобора актив қатнашаверади, деди Т. Живков.

Докладда, БХРда ривожланган социалистик жамият қуриш ва коммунизм сари аста-секин ўтиб боришни тайёрлаш Болгария Коммунистик партиясининг беҳосита тарихий вазифасидир, дейилади. Унда бунинг учун партия билан халқ ҳал этиши зарур бўлган конкрет проблемалар айтиб ўтилган.

Социализмнинг моддий-техника базасини яратиш, социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, социалистик жамият кишиси, ватанпарвар ва интернационалист кишини вояга етказиш — шу проблемалар жумласидандир.

БКП XI съезди кейинги даврдаги вазифаларни партиянинг программаси руҳида ишлаб чиқади. Шу вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимизни БКПнинг тарихий мақсадига янада кўпроқ яқинлаштиради. Болгариянинг ҳаётида коммунизм даврига хос элементлар тобора кўпроқ пайдо бўлаверади, коммунизм қуришга аста-секин ўтиш учун шарт-шароитлар қарор топиб, кенгайиб бораверади. Т. Живков шу даврни битта узлуксиз жараён деб таърифлаб, у билан боғлиқ конкрет масалалар партиянинг навбатдаги съездлари ишига таалуқли бўлади, деди.



Пойтахтимизнинг навқирон Юнусобод массиви кун сайин жамол очмоқда. Янги-янги турар-жой, маданий-маиший муассаса биноларн аҳоли хизматига топширилаётир.

Суратда: массивдаги янги фойдаланишга топширилган турар-жой бинолари. А. Тўраев фотоси.

КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР КАЛЕНДАРЬ ПЛАНИ

Тошкент область партия комитети Снёсий маориф уйи КПСС XXV съезди материалларини ўрганиш юзасидан пропагандистлар, сиёсий докладчилар, лекторлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар ва агитаторлар учун группали консультациялар календарь планини маълум қилади.

1. **1976 йил 1 апрелда** «Дунёдаги аҳвол ва КПСС халқаро фаолияти» темаси бўйича.

консультант — тарих фанлари доктори, профессор А. М. Йўлдошев.

2. **1976 йил 8 апрелда** «Партиянинг иқтисодий стратегияси ва ўнинчи беш йилликнинг асосий хусусиятлари» темаси бўйича.

консультант — иқтисод фанлари кандидати, доцент Б. М. Фофанов.

3. **1976 йил 15 апрелда** «Ҳозирги босқичда экономикани ривожлантиришнинг муҳим проблемалари» темаси бўйича.

консультант — фалсафа фанлари кандидати, доцент И. А. Ўрмонов.

4. **1976 йил 22 апрелда** «Партия ривожланган социализм шароитида» темаси бўйича.

консультант — тарих фанлари кандидати, доцент Г. Н. Шистер.

5. **1976 йил 29 апрелда** «Партиянинг ғоявий-тарбиявий иши» темаси бўйича.

консультант — тарих фанлари кандидати, доцент М. Мирабдуллаев.

Консультациялар Тошкент область партия комитети Снёсий маориф уйида апрель ойининг ҳар пайшанба куни соат 17.00 да 4-аудиторияда бошланади (Ўзбекистон кўчаси, 9).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Бўка район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда район партия комитетининг биринчи секретари Т. Исломов 1976 йилда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларн ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан район партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада қатнашган «Ленинизм» колхози раиси Р. Қурбонқулов, «Ленинобод» колхози бригада бошлиғи И. Хожибекова, «Кўкорол» совхозининг бош агрономи Ю. Тошпўлатов ўртоқлар алмашлаб экишни жорий қилиш бўйича хўжаликларда бажарилаётган ишлар ва белгиланган тадбирлар устида тўхталдилар.

Пленумда шунингдек КПСС Марказий Комитетининг «Латвия ССРда халқ контролн органларига партия раҳбарлиги тўғрисида»ги қарори муҳокама қилинди. Бу ҳақда район партия комитетининг иккинчи секретари А. Аҳмаджонов доклад қилди.

Бекобод район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ҳам «Латвия ССРда халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисида»ги қарор муҳокама қилинди. Пленумда район партия комитетининг иккинчи секретари Л. Т. Панченко доклад қилди.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — ШАРАФЛИ БУРЧ

КПСС XXV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилганлиги Янгиқўл район партия комитетининг навбатдаги пленумида муҳокама қилинди.

Докладчи — район ижроия комитетининг раиси Т. Ортиқхўжаев ва музокарада қатнашган механика устахонаси токари А. Абдураимов, гўшт комбинати ишчиси Т. Тарасова, Фрунзе номли колхоз бригада бошлиғи У. Анорбоева, «Коммунизм» колхози партия комитетининг секретари Р. Эшонхўжаев съезд шарафига олинган социалистик мажбуриятлар тўла-тўкис бажарилганлигини маълум қилдилар.

Ҳозирги кунда барча меҳнат коллективлари съезд қарорларига жавобан зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Барчанинг эътибори ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан олдин бажаришга қаратилмоқда.

Пленумда маккажўхори донн етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам муҳокама қилинди.

«Узсельхозтехника» бирлашмасига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тажриба ремонт-механика заводи коллективи қишлоқ хўжалигининг жуда кўп буюртмаларини тез ва соз бажариб келмоқда. Ремонтчилар бу йил ками билан 5300 та трактор двигателини сифатли ремонт қилиш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Суратда: мотор цехининг илғор слесарларидан Р. Байдамшин, В. Мотовилин ва А. Куленковларни иш устида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

СССР ТУРИСТИ БЎЛИШДИ

Яқинда Тошкент областидан бир группа саёҳатчилар Краснодар ва Ставрополь ўлкалари бўйлаб 20 кунлик сафарга чиқдилар.

Бу сафар давомида улар Кабарда-Балкар АССР шаҳар ва қишлоқларини, заводфабрикаларини, курорт ва санаторийларини, кўл ва тоғларни, ажойиб гору-шаршараларни бориб кўришди.

Кейин курортлар ўлкаси ҳисобланган Кисловодск, Ессентуки, Пятигорск, Железноводск шаҳарларини, у ерда жойлашган турли шифохоналар пансионату дам олиш уйларини, гўзал паркларини томоша қилишди. Сўнгра Қора денгиз қирғоғига жойлашган, қишин-ёзин кўм-кўк субтропик ўсимликлар билан қопланган Адлер, Сочи, Хоста, Кудсепта каби шаҳарлар билан танишдилар.

Ўзбек саёҳатчилари Кавказ тоғининг Большой Ахун деб номланган чўққисига, Агура дарёсининг тоғдаги сўқмоқ йўл орқали бориладиган қўш шаршарасига уюштирилган кўпкунлик походларида иштирок этиб «СССР туристи» деган спорт нормасини бажаришди. Бир группа тошкентликларга ВЦСПСнинг туризм ва экскурсиялар Марказий Совети қарорига мувофиқ «Совет туристи» деган значок ва гувоҳнома топширилди. Тақдирланганлар орасида «Ташобколхозстрой»нинг Оржоникидзе район қурилиш бошқармаси ишчиси Рашид Бозоров, чирчиқликлар Дина Бердиалиева, Наталья Верхоланцева, Олмалиқдаги В. И. Ленин номли кон-металлургия комбинатининг мис заводи эргитувчиси Виталий Чубарев ва «Гунча» журнали ходими Собит Ғафуровлар бор.

Туризм бўйича бош инструктор, СССР спорт мастери Юрий Коржев ўзбек нишондор саёҳатчиларни қизғин табриклади ва уларга меҳнатда зафар, спортда катта ютуқлар тиледи.

ТАШАББУСГА КЕНГ ЙЎЛ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ПЛЕНУМИДАН

Нурафшон кунимизнинг авжи ўзгача. Гавжум цехларда ва поёнсиз далаларда ижодий меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон. Ишчилар ҳам, деҳқонлар ҳам, зиёлилар ҳам — ҳамма-ҳамма бир жон, бир тан бўлиб КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун курашмоқда.

Тўқкизинчи беш йиллик якунлари ҳар соҳада қувончли бўлди. Областимиз саноатчилари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича белгиланган топшириқни муддатидан 4 ой илгари адо этдилар. Планга қўшимча равишда 580 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги 33 процент ўсди.

Беш йиллик мобайнида 624 цех ва участка комплекс механизациялашди, 830 та автоматлашган ва механизациялашган поток линиялар монтаж қилинди, 520 хил янги машиналар, аппаратлар ва приборлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эришган ютуқлар яна ҳам қувончли бўлди. Ўтган йили пахтакорларимиз давлатга 430 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Ҳосилининг 72 процента машиналарда териб олинди. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 4,5 центнер ошди.

— Бу ютуқларга биз социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, ички резервлардан унумли фойдаланиш туфайли ҳам эришлик, — деди Тошкент область касаба союзлари Совети пленумида «КПСС XXV съезди якунлари ва область касаба союзларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилган область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов. — Тўқкизинчи беш йиллик топширигини барвақт бажариш учун бошланган мусобақада 700 минг киши иштирок этди. Уларнинг қарийб барчаси ўз сўзининг устидан чиқди. 40 мингдан ортиқ ишчи съезд очиладиган кунни 1976 йил биринчи квартал планини бажариш билан кутиб олди. 900 га яқин ишчи «Ўнлар ташаббуси»га қўшилиб, ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топширигни бажаришга бел боғлади. 282 коллектив беш кунлик топшириқни тўрт кунда, беш йилликни тўрт йилда бажариш учун кураш бошлади. Партиямиз съезди меҳнаткашларга зўр куч-ғайрат бахш этди.

Ўнинчи беш йиллик планларида биз нурли истиқболларни кўриб турибмиз. Ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми областимизда 40 процент ошади. Ангрена янги ГРЭС бунёдга келади. Ўзбекистон металлургия заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент трактор, «Ташсельмаш» заводларида янги қувватлар ишга туширилади. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари комплекс ривожлантирилади.

Барча участкаларда съезд белгилаган вазифаларни муваффақиятли бажариш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун бошланган мусобақа кун сайин қулоч ёзмоқда. 2,5 минг яқин ишчи Чкалов номли Тошкент самолетсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси Альбина Девятова ташаббуси асосида унумдорликни икки марта ошириш ва фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун мусобақаларга ошди. 4,5 мингдан ортиқ мураббий эса Тошкент тўқимачилик комбинати ветерани Анна Сергеевна Верзилинага издош бўлиб, ўз шогирдларини илғорлар даражасига кўтармоқдалар. Янгийўллик бир группа илғор ишчилар қолоқларсиз ишлаш ташаббусини бошлаб бердилар. Бу ташаббусга ҳозир 18 минг ишчи қўшилди.

Илғорлар ташаббуси ва тажрибаси умумхалқ мулкидир. Ташаббусларни кенг қулоч ёйдириш, зиммадаги вазифаларни бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш касаба союз ташкилотларининг асосий вазифасидир. Лекин, ҳали ҳам бир қатор корхоналарда мусобақанинг қудратли кучига етарлича баҳо берилмаяпти. Бекободдаги «Церемонт» заводида ўтган йили мусобақани ривожлантириш учун 15 минг сўм ажратилган эди. Корхона раҳбарларининг эътиборсизлиги билан бу маблағнинг атиги 5 минг сўми ўзлаштирилди, холос. «Узбексельмаш», экскаватор, Олмалиқ рўзғор химияси заводларида эса социалистик мусобақа хўжақўрсинга якунланади. Ўтган йили 8 та корхона саноат маҳсулоти реализация қилиш давлат планларини бажара олмади. Уларнинг айби билан беш миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқилди.

Илғорлар тажрибаларини оммалаштиришга ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Ҳозирги пайтда областимизда 2133 та бинокорлик бригадалари мавжуд. Ўтган йили 371 та бригадада Николай Злобин методини жорий этиш вазифаси топширилган эди. Аммо эътиборсизлик туфайли Злобин методи кенг оммалашмади. Айниқса, бу гап қишлоқ қурувчиларига тегишлидир. Илғор тажрибаларни қўлланмаслик, бинокорлик техникасидан унумли фойдаланмаслик натижасида қурилиш ланнархи тобора қимматлашмоқда. Айни пайтда рационализатор ва новаторчилик ҳаракатини ҳам ривожлантириш лозим. Ўтган йили янгилик киндикорларидан тушган 43 минг таклифдан 20 мингтаси жорий этилмай қолди.

Доклад юзасидан музокарада сўзга чиққан нотиқлар ҳам эътиборни кўпроқ КПСС XXV съезди талаблари асосида ўнинчи беш йиллика бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратдилар. «Ташсельмаш» заводи тунукачи-слесари, КПСС XXV съезди делегати Маҳмуд Мўйдинов съезд қарорлари муносабати билан корхонада пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан белгиланаётган тадбирлар тўғрисида гапирди.

«Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси директори, КПСС XXV съезди делегати О. Қодирова корхонанинг ўнинчи беш йилликдаги истиқболи, маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда чеварларнинг муваффақиятлари тўғрисида гапирди.

— Тўқкизинчи беш йиллика корхонамизда иқтисодий самарадорлик ошди, ишчиларнинг меҳнат шароити яхшиланди, — деди Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси директори С. Аюпов. — Яйги техника ва технологияни жорий этиш туфайли ишлаб чиқаришда қўл меҳнати 10,5 процент қисқарди. Ўнинчи беш йилликда фабрикада яна бир ишлаб чиқариш корпуси ишга тушиши керак. Объектнинг лойиҳасмета ҳужжатлари 3-қурилиш трести бинокорларига топширилган. Лекин, трест раҳбарларининг бепарволиги билан қурилиш ишлари ҳамон бошланганн йўқ.

Чирчиқ трансформатор заводи токари Н. Бекбулатова, Юқори Чирчиқ район қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ходимлари касаба союзлари комитети раиси И. Султонова, Бекобод шаҳар касаба Союзлари совети раиси В. Бабочкин ўртоқлар ҳам меҳнат коллективлари ташаббускорлигини ошириш имкониятларини тўла ишга солиш ва йиллик планни барвақт бажаришга ёрдам берувчи таклифларни ўртага ташладилар.

Пленум ишида Узсовпроф раиси М. А. Зоидов ва Тошкент область партия комитетининг секретари Н. И. Малихин ўртоқлар иштирок этдилар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

КОММУНИСТЛАРДАН ЎРНАК ОЛАМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

●

Залга область комсомолларининг етакчилари, активлари йиғилишган эди. Улар КПСС XXV съезди қарорлари асосида комсомол-ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим вазифалари юзасидан фикр алмашгани тўпланишганди.

2—10 апрелда «КПСС XXV съезди қарорларини бажармиз» деган темада ўтадиган Бутуниттифоқ комсомол йиғилишлари давомида партия съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ҳар бир комсомолнинг жанговар программаси тузиб олинади.

Съезд материалларини ўрганишда «Партия давримизнинг ақл-идроки, шарафи ва виждони» мавзуидаги Ленин дарслари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир шаҳар, район марказлари, йирик комсомол ташкилотларида «Коммунистлардан ўрнак оламиз» шиори остида КПСС XXV съездига бағишланган ижтимоий-сиёсий ўқувлар ташкил этилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай муҳим ишни бажаришда ҳар бир комсомол аъзоси масъулият билан ёндошиши зарур. Областимизнинг барча районларида актуал мавзуларда лекция ва суҳбатлар, кечалар уюштириш, маданият университетларини ташкил этиш керак. Айниқса, ёшлар клуби ишини жонлантириш комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

КПСС XXV съезди материалларини пропаганда қилишда Ленин зачётлари муҳим аҳамият касб этади. Ленин зачёти айниқса Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида изчил давом эттирилмоқда. Шу туфайли унинг 2915 қатнашчиси Коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга муяссар бўлган. Ленин зачётида иштирок этган Олмалиқ химия заводининг 187 ёш ишчиси 86 рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга татбиқ этиб, 137 минг сўмлик иқтисодий фойда олишга муваффақ бўлди. Худди шу каби мисолларни областимиз бошқа район, шаҳар, комсомоллари ҳаётидан мисолида ҳам айтиш мумкин.

Тошкент область комсомол комитети ўтказган «КПСС XXV съезди қарорлари асосида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим масалалари» илмий-амалий конференциясида доклад қилган область комсомол комитетининг секретари О. Исмоилов ана шулар ҳақида сўзлади.

— Ленин зачёти, — деди сўзга чиққан Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари Б. Султонов, — ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг комплекс формасидир. Бу форма ёшларни гармоник шакллантиришни янада мукаммаллаштиришда қўл келяпти. Комсомол ташкилотлари комплекс программани тузишда ҳар бир ишчи-хизматчининг касби-кори, лаёқатига эътибор бериши лозим. Семинарлар уюштириш керак. Шунингдек, жойларда Ленин зачётини Советларини ташкил этиш лозим.

Сергели район комсомол комитетининг секретари М. Ельшов бундай деди:

— Районимизда 178 ёш тўққизинчи беш йиллик планларини зиёдаси билан адо этди, КПСС XXV съездини ҳам меҳнат ютуқлари билан кутиб олдик. Айниқса, авиаторлар, резина техника буюмлари заводи ва бошқа коллективлар катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бу зафарларда идеология ходимларининг ҳиссаси катта бўлди. Съезд материалларини комсомол-ёшларга етказиш учун агитация-пропаганда ишларини янада такомиллаштириш, шунингдек, съезд қарорларини оммага тушунтириш бўйича адабиётларни кўпайтириш лозим. Жойларда съезд материалларини пропаганда қилишда консультатив пунктлар ташкил этиш керак.

Чирчиқ шаҳар комсомол комитетининг секретари И. Хожиев маҳсулот сифатини яхшилаш ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришда комсомол ташкилотлари олиб бораётган ишлар ҳақида гапирди. У Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинати, тикувчилик ва пойафзал фабрикалари комсомол ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган сифат штаби иш тажрибасидан сўзлаб берди.

Конференцияда сўзга чиққан Октябрь революцияси номли завод комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари В. Недоступов, Қуйи Чирчиқ район комсомол комитетининг секретари А. Турғунбоев, Тошкент Давлат университети комсомол комитетининг секретари С. Сафаев, Бўстонлиқ район комсомол комитетининг секретари Л. Ряснова, 63-ҳунар техника билим юрти комсомол комитетининг секретари Д. Миртожиев, Оққўрғон район комсомол комитетининг секретари М. Маҳмудов ҳам ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича олдинда турган вазифалар ҳақида кенг мулоҳаза юритишди.

Б. ПЎЛАТОВ.

«Узгипросельстрой» лойиҳалаш институтининг меъморлари областимиз колхоз ва совхозларида қурилиши мўлжалланган жуда кўп уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар ва бошқа биноларнинг лойиҳасини тузиб беришяпти. Улардан бири Ранса Каримовадир. Бу ёш лойиҳачи меҳнатда касбдошларига намуна бўлмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ҚЎКЛАМ ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

ҚИШ бўйи сукут сақлаб жим-жит ётган беғубор далалар аста секин жонланмоқда. Жонсарак, ўйноқи қушларнинг наволари тобора янграб эшитилмоқда. Далаларда баҳор кевади. Қиш уйқусидан ўт-ўланлар, дарахтлар, бутун табиат уйғонмоқда. Илк баҳор нашъасини суришга одатланган деҳқонлар қадрдон далаларини кундан-кунга гавжум қилмоқдалар.

Бу йилги баҳор ўзгача баҳор. Учинчи беш йилликнинг илк баҳори. КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор ишларни амалга ошириш учун одамлар астойдил енг шимариб, бел боғлаб ишга тушадиган гўзал баҳор. КПСС XXV съезди қарорларидан беҳад руҳланган халқимиз катта умид ва зўр ҳавас, иштиёқ билан янги марраларни эгаллаш учун дадил отланаётганини шу кунларда далаларни кезган киши яққол кўради. Қаерга борманг, ким билан гаплашманг, янги режалар асосида меҳнат қилаётганликларини, ишдаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқараётганликларини кўрасиз.

Бултур Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхозда халқ хўжалик плани муваффақиятли бажарилди. Исмат Бекинбоев, Мусурмон Бобоқулов, Бегноз Бойматов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 32—34 центнердан ҳосил олдилар. Колхоз бўйича ҳосилдорлик 29,1 центнерга тўғри келди. Шундай бўлса ҳам бу ҳол ҳеч кимни тўла қаноатлантирмади. Чунки 1974 йилга нисбатан колхоз бўйича ҳосилдорлик анча пасайиб кетган. Ўтган йилги шароитда ҳамма бригада аъзолари аравани баробар тортмадилар. Натижада ҳосилдорлик айрим бригадаларда кескин пасайиб кетди. Масалан, Илаш Муридов бошлиқ бригадада 1974 йили гектаридан 40 центнердан ҳосил олинган бўлса, бултур бор-йўғи 27 центнердан ҳосил олинди. Чунки ўз вақтида чигит суви берилмагани учун ниҳоллар кеч униб чиқди. Гўза кечки бўлиб қолди. Колхозлараро учта бригадада айнан шундай аҳвол юз берди. Шунинг учун ҳосили кам, сифати паст бўлди. Биринчи сортга топширилган пахта 70 процентдан ошмади.

Колхоз коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида бу камчиликлар ва уларнинг рўй бериш сабаблари атрофлича муҳокама қилинди, янги режалар белгиланди.

Колхоз пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳосилдорликни 38 центнерга етказишга қарор қилганлар. Ана шу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, капитал текислаш, ерга ер қўшиш, тежамкорлик билан иш олиб бориш, янги боғлар ташкил қилиш, чигитни 7—8 кунда экиб ер намига ундириб олиш каби тадбирлар белгиланган.

Ҳозиргача 28 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб 32 минг сўмлик иш бажарилди. 240 гектар баланд-паст, сув юриши қийин бўлган ер текисланди. Колхоз ўз кучи билан 15 гектар янги ер ўзлаштиришни планлаштирган бўлса, шундан 10 гектари ўзлаштирилиб фойдаланишга топширилган. Бу соҳада Ғани Каримов, Фарид Шонкариев каби механизаторлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз правленеси 960 гектар пахта майдонининг 600 гектарига уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан туксиз чигит экишни планлаштирган.

— Бу усулда чигит эксак 36 тонна чигит тежалади, бундан 4392 сўм иқтисод бўлади. Гўза яганаси учун сарфланадиган 8740 сўм тежалади. Бултур 72 процент пахта машинада терилган эди. Бу йил 85 процент ҳосилни машина билан териб олмоқчимиз. Бу усулда чигит экиш машина билан пахта теришга дастлабки тайёргарлик. Чунки бу усулда экилган чигит эркин ривожланади. Ягана қилинмагани учун илдизига зарар етмайди, барвақт етилади,— дейди колхоз раиси Қ. Жуманов.

Ҳозиргача 380 гектар ер текисланиб чигит экишга тайёрлаб қўйилди. Юз гектардан кўпроқ ердаги ёввойи ўт, гўзапоя илдизлари териб ташланди, эски бедапоя дискаланиб ерга ўғит солинди, ҳашаротга қарши дори сепилди.

Колхоз бўйича 40 минг дона тут кўчати ҳам ўтказилган. Экиш учун зарур бўлган 64 тонна чигит, 1300 килограмм беда уруғи ва бошқалар тайёрланган. Колхозлари ким ҳосилли 40 гектар ернинг ҳар гектарига 60 тоннадан гўнг солинди.

Далаларда кўклам қанот ёзмоқда. Деҳқонлар улуғ партиямизнинг йўл-йўриқларини сўзсиз амалга ошириш, янги марраларни эгаллаш учун зўр иштиёқ, ҳавас, ихлос билан меҳнат қилмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ГЛЯЦИОЛОГЛАР—БАМГА

Урта Осиё регионал гидрометеорология илмий-текшириш институти гляциологлари БАМ қурилишида катта аҳамиятга эга бўлган ишлардан бирини якунладилар.

Институтда Байкал-Амур магистрали трассасида қор кўмкилари тарқалишини кўрсатувчи картани тузиш учун илмий материаллар тўплашнинг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Катта амалий аҳамиятга эга бўладиган бу тадқиқотлар келгусида яна давом эттирилади.

БИЗ КАРТОШКАДАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛМОҚДАМИЗ

ТАЖРИБАКОРЛАР МАСЛАҲАТ БЕРАДИЛАР

Колхозимиз далачилик бригадаларида партия XXV съезди делегати, илғор сут соғувчи Фарида Аҳамова билан учрашувлар бўлиб ўтди. У деҳқонларимизга съезддан олган унутилмас таассуротлари ҳақида гапириб берди ва 1976 йилги вазифаларни ортиғи билан бажаришга, ҳар бир колхозчининг шаҳсий мажбурият олиб, уни тўлиқ адо этишга даъват этди.

Карл Маркс номли колхозимиз аъзолари тўққизинчи беш йиллик планини барча соҳалар бўйича ортиғи билан бажардилар. 1975 йили колхозимиз бўйича ҳар бир гектаридан 151 центнердан картошка ва 286 центнердан сабзавот ҳосили олинди.

Бизнинг бригада аъзолари ҳам 1975 йилда 90 гектар ерда деҳқончилик қилиб, пландаги 1000 ўрнига 2550 тонна маҳсулот етиштириб, юксак натижага эришдилар. Ҳар гектар ердан 204 центнердан картошка, 340 центнердан сабзавот ҳосили кўтарилди. Эртаги картошканинг ҳар гектаридан 15—16, кечки картошкадан 23—25 тоннадан ҳосил олинди.

Баъзан ҳамкасбларимиз картошкадан қандай қилиб шундай юқори ҳосил олишга эришганимиз ҳақида гапириб беришни сўрайдилар. Мен шу ўринда баъзи тажрибаларимизни айтиб ўтмоқчиман. Албатта, деҳқончиликда яшираниган ҳеч қандай сир йўқ. Ҳар ким ўз шароитига, иш тажрибасига қараб иш тутади.

Колхозимизда қайчибарг картошка етиштириладн. Биз картошкадан юқори ҳосил олиш учун уруғлик картошканинг сара бўлишига алоҳида эътибор қилмоқдамиз. Картошка пишиб етилгач, ковлаб олиб бошланиши билан дастлаб даланинг ўзида уруғлик учун қолдириладиган картошкани саралаб оламиз. Ҳар бир донаси 80—100 грамм келадиган силлиқ, кўп пари чуқур-чуқур картошка уруғлик учун ажратилади.

Ер тўймаса, эл тўймайди, деган гап бор. Шунинг учун ҳар гектар ерга кузда 500 килограммдан суперфосфат солиб, шудгор қилинади, 40 тоннадан гўнг солинади. Биз картошкага унча кўп селитра солмаймиз, чунки селитра картошка палагини ўстириб юборади.

Мен илгари механизатор бўлиб ишлар эдим. Мана йигирма йилдирки, бригада бошлиғиман. Сабзавотчиликда техникадан унумли фойдаланишга интиламан. Шунинг учун картошкани экиш, уни парваришлаш, ҳосилини йиғиб олишнинг ҳаммаси техника ёрдами билан бажарилянти. Фақат бир марта, тупроқни алмаштириш мақсадида кетмон чопиғи ўтказамиз.

Шунинг учун ҳам етиштирилаётган картошка ва сабзавот маҳсулотларининг таннархи планда белгиланганидан арзон тушаяпти. Масалан, 1 центнер картошканинг таннархи 12 сўм 52 тийин ўрнига 11 сўм 84 тийинга тўғри келди. Сабзавот маҳсулотнинг таннархи планда белгиланганидан 1 сўм 85 тийин арзон бўлди.

Албатта, бу кўрсаткич энг юқори даража эмас. Учинчи беш йиллик мўл ҳосил етиштириш, сифат ва самарадорлик, халқ фаровонлигини ошириш учун кураш беш йиллигидир. Халқ учун дон, ҳам ёғ, ҳам сабзавот, картошка керак. Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев айтганидек, «бу ўринда «майда иш» йўқ, картошка пиёзнинг ўрнини, помидор шарбати эса ўсимлик ёғининг ўрнини босмайди. Совет кишисининг дастурхонида ҳамма нарса муҳайё бўлиши лозим. Буни таъминлаш эса қишлоқ хўжалик ходимларининг бевосита бурчидир».

Колхозимиз меҳнаткашлари булутургидан бирмунча кўп сабзавот ва картошка етиштириш мажбуриятини олдилар. Масалан, 130 гектар ернинг ҳар гектаридан 170 центнердан картошка, 242 гектар майдондаги сабзавотнинг ҳар гектаридан 300 центнердан ҳосил олишга аҳд қилинди. Помидорнинг ҳар гектаридан 200, бодрингнинг гектаридан 210 ва карамнинг гектаридан 450 центнердан ҳосил олинади. Бизнинг бригада аъзолари колхозда мажбуриятнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 210 центнердан картошка, 48 гектар ернинг ҳар гектаридан 400 центнердан сабзавот олишга қарор қилдилар.

Шу мақсадда мартнинг бошида 10 гектар эртаги карам, 10 гектар ерга эртаги картошка экиб қўйдик. 40 гектар ерни экишга ҳозирлаб, эгатлар олиб маҳаллий ўғит сепиб қўйдик. 8 гектар ердаги август пиёзи ўталмоқда. Далада ишловчи колхозчиларнинг дам олишлари учун дала шийпонида қулай шароитлар яратилди.

Колхозчиларимизнинг шу кундаги ғайратлари, ишга муносабатлари режаларимизнинг тўғрилигини, олган социалистик мажбуриятимизни сўзсиз адо этиш мумкинлигини исботлаб турибди.

Файзи МИРАЪЗАМОВ,
Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи, сабзавот чиларнинг область кенгаши аъзоси.

ШОЛИКОРЛАР ШАЙЛАНМОҚДА

«Октябрь 46 йиллиги» шоликорлик совхозининг 3-бўлимида шоли экишга тайёргарлик жадал.

Бўлим меҳнатеаварлари бу йил 783 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан 33,5 ўрнига 49 центнердан шоли етиштиришга бел боғлаганлар.

Бўлим бошлиғи Қўшмоқ Холиқулов бундай дейди:

— Экин майдонларимизнинг 25 гектари дискали борона билан ишланди. 40 гектардан зиёд майдон планировка қилинди. Шоли етиштиришда сув асосий роль ўйнаши ҳаммага маълум. Шунинг учун сув йўлларини ҳозирдан тартибга келтириб қўймоқдамиз. Экишга тайёргарликни ҳар йилгидан эрта бошладик. Экишни 20 апрелда бошлашга бўлнимиз мутахассислари билан келишиб қўйдик.

Далаларга маҳаллий ўғит чиқариб солиняётир. Ернинг ҳосилдорлигини ошириш йўлидаги тадбирлар агротехник қоидаларига асосан олиб борилянти. Айниқса Исмоил Эргашев, Роман Пак, Норбой Тўғизбаевлар бошлиқ бригадаларида ишлар кўнгилдагидек борянти.

К. МАВЛОНОВ,
Р. БАГИРОВ,
Бекобод райони.

КУН ТАРТИБИДА—ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

ЖОНАЖОН партиямизнинг XXV съездида ёшларни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларига алоҳида аҳамият берилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев съездда қилган докладида бу муҳим вазифаларни аниқ-равшан кўрсатиб ўтди.

Ёшларни замонамизнинг муносиб кишилари қилиб етиштиришда халқ маорифи органлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг роли ва иштироки бениҳоя каттадир. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги йўли билан ҳам съезд қарорлари асосида қатор тадбирлар белгиланди.

Бу вазифаларни кенг жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш мақсадида министрлик томонидан республика семинар-кенгаши чақирилди. Йиғилиш КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорлари асосида ўқувчи-ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларини янада токомиллаштириш масалаларига бағишланди.

Семинар-кенгаш Ўзбекистон ССР маориф министри Ўртоқ С. Шермуҳамедовнинг «КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партияси XIX съезди қарорлари асосида ўқувчи ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларини янада такомиллаштириш соҳасида халқ маорифи органлари ҳамда педагогика ўқув юртларининг вазифалари» деган доклади билан бошланди.

Семинар-кенгашда СССР Маориф министрининг ўринбосари В. Ягодкин партия XXV съезди қарорлари асосида педагогик кадрларни танлаш, жойлаштириш ва тарбиялаш ишларини янада яхшилаш масалалари тўғрисида гапирди.

Йиғилишда область халқ маорифи бўлимлари мудирлари, олий ўқув юртлари партия комитетларининг секретарлари ҳам сўзга чиқдилар. Шунингдек, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш билан бевосита боғлиқ бўлган турли министрликларнинг раҳбарлари жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Республика семинар-кенгаши бугун ўз ишини тамомлайди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ПЛАНГА ҚУРБОН БЎЛГАН СИФАТ»

Газетамизнинг шу йил 8 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада «Марказ-27»даги айрим уй-жойларни қуришда план кетидан қувиб, сифатига эътибор берилмаётганлиги, натижада фойдаланишга топширилган квартираларда жиддий нуқсонлар борлиги кўрсатилган эди.

Мазкур мақолага 159-қурилиш трестининг бошқарувчиси ўртоқ М. Абдуллаевдан жавоб олдик. Унда айтилишича, газетада босилган мақола трест коллективи ўртасида муҳокама қилинган ва танқидий фактлар тасдиқланган.

9- ва 13-қурилиш бошқармасининг бошлиқлари П. И. Борисов ва Б. А. Вайнтруб қурилиш ишларида браккa йўл қўйганликлари учун огоҳлантирилган.

13-қурилиш бошқармасининг бош инженери Д. У. Жамиловга ҳайфсан эълон қилинган.

Трест раҳбарлари томонидан «Марказ-27» да қурилган уй-жойлардаги камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари белгиланган.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЖЕНЕВАДА СЕССИЯ

ЖЕНЕВА, 30 март. (ТАСС). Бу ерда Совет-Америка доимий маслаҳат комиссиясининг сессияси бўлиб ўтди.

Комиссия ракетадан мудофаа системасини чеклаш тўғрисидаги шартноманинг ва СССР билан АҚШ ўртасида 1972 йил 26 майда тузилган стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисидаги муваққат шартноманинг, шунингдек ядро уруши келиб чиқиши хавфини камайтириш тадбирлари тўғрисида иккала мамлакат ўртасида 1971 йил 30 сентябрда тузилган шартноманинг мақсад ҳамда қоидаларини амалга оширишга кўмаклашмоги лозим.

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 30 март. (ТАСС). Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Жамму шаҳрида бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар, шунингдек Осиё ва Африкадаги бетараф давлатлар Ҳиндистондаги ички сиёсий вазиятни тушунадилар ва ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўлига ҳайрихоҳлик билдирмоқдалар, деб айтди.

Айни вақтда у Ғарбдаги кўпгина давлатларда ҳокиият тепасида турган кишилар, шунингдек ғарб матбуоти Ҳиндистондаги воқеаларни таҳқил қилаётганлигини ва аҳволни тамомила бузиб тасвирлаётганлигини уқтириб ўтди. Биз Ҳиндистонни бирон бир давлатга таҳдид қилиш учун эмас, балки жамиятнинг камбағал табақалари турмушини яхшилаш ва танлаб олган йўлимиздан олга қараб бориш учун кучли ва мустақил давлатга айлантиришга интилмоқдамиз.

Ҳиндистоннинг ташқи душманини тез билиб олиш мумкин, лекин «бешинчи колонна»га кириб, мамлакат ичкарисида ҳаракат қилаётган душманларни билиб олиш қийинроқ, деди Индира Ганди.

УРАН ПЛАНЕТАСИ САРИ...

НЬЮ-ЙОРК, 27 март. (ТАСС). «Флайт интернэшнл» журналининг хабар беришича, Американинг «Пионер-10» космик аппарати февраль ўрталарида Сатурн орбитасини кесиб ўтган. У 1979 йилда Уран орбитасини кесиб ўтиб, Қуёш системаси чегаралари сари йўлланиши керак. Бу аппарат Юпитерни тадқиқ этиш учун учирилган; у 1973 йилнинг декабрида Юпитер яқинидан учиб ўтиб, планетани суратга олган ва шу ҳақдаги маълумотларни ерга юборган эди. Ҳозир «Пионер-10» ердан 1,6 миллиард километр масофада кетмоқда.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

МЕҲНАТ СОВҒАСИ

СОФИЯ. Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдами билан Козлодуйда қурилаётган атом электр станциясининг қурувчилари БКП нинг XI съездига яхши меҳнат совғаси тайёрладилар. 440 минг киловатт қувватли иккинчи реактор муддатидан 45 кун аввал ишга туширилди. Шу билан атом электр станциясининг биринчи навбати ўзининг лойиҳадаги қувватига эришди.

Ишлаб турган реакторлар ёнида станциянинг иккинчи навбати тез суръатлар билан қурилмоқда. Еттинчи беш йилликда яна иккита реактор ишга туширилади. 1980 йилга бориб Козлодуй атом электр станцияси мамлакат жами электр энергиясининг қариб 20 процентини беради.

СЛОВАКИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

БРАТИСЛАВА. Бу ерда Словакия Коммунистик партияси ўз ишини тугатди.

Съезд делегатлари ЧКП XIV съезди қарорларининг, Словакия Компартияси бундан аввалги съезд қарорларининг бажарилиши ва Словакияда Компартиянинг бундан кейинги вазифалари тўғрисида Словакия Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади ҳамда СКП Марказий контрол ревизия комиссиясининг докладини тинглидилар, муҳокама қилдилар ва маъқулладилар, СКП марказий органларини сайладилар. ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СКП Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Ленарт ҳисобот доклади қилди.

СКП Марказий Комитетининг кейин бўлиб ўтган пленумида И. Ленарт СКП Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

ЭЛЕКТРОН ҚУМАКЧИЛАР

БУДАПЕШТ. Венгриянинг катта саноат шаҳарларидан бири Татабаньеда шаҳар транспортини бошқарувчи электрон ҳисоб маркази синовдан ўтди. Ҳисобдон машиналар транспорт ҳаракатининг қачон ва қайси участкасида рейсларни кўпайтириш лозимлигини, пассажирлар бетўхтов ташиб турилишини таъминлаш учун ҳайдовчилар қанча рейс қилмоқликларини билдириб туради.

Татабаньеда янги бошқариш системаси ўтган йилнинг охиридагина синаб кўрила бошлаганди. Аммо электрон «қўмакчилар»нинг қўлланиши шаҳар транспорти бир маромда ишлаб туришини йўлга солишга, автобуслар миқдорини 10 процентга қисқартиришга имкон берди.

ЧИЛИ ТЎҒРИСИДА БОР ҲАҚИҚАТ

ХЕЛЬСИНКИ, 29 март. (ТАСС). Чилида ҳарбий ҳунтанинг қилган жиноятларини текширувчи Халқаро комиссиянинг 4-сессияси бу ерда ўз ишини давом эттирмоқда. Комиссия ўзининг кечаги мажлисида машҳур юристларнинг, олимларнинг сўзларини, фашист газандалар ва хунтанинг «Дина» маҳфий полицияси хизматчиларининг одамларни қонунга хилоф суратда қамоққа олаётганликлари, азоблаётганликлари, бегуноҳ кишиларни ўлдираётганликлари тўғрисида гувоҳларнинг айтган гапларини тинглади. Комиссия аъзолари гўё режим либераллашиб бормоқда, деб хунта қилаётган сохта даъволарни фош этадиган кино ва фотоҳужжатлар билан таниниб чиқдилар.

Халқ бирлиги ҳукуматида собиқ молия министри, Чили Компартияси Марказий Комитети секретариатининг ва Сиёсий комиссиясининг собиқ молия министри, Чили Компартияси Марказий Комитети секретариатининг ва Сиёсий комиссиясининг аъзоси Америко Соррилья Рохас маҳфий полиция кишиларни мунтазам равишда қамоққа олиб ва қатл этиб келганлиги тўғрисида, бутун-бутун оилаларни қириб юборишдек мисли кўрилмаган шафқатсизликлар тўғрисида сўзлаб берди.

Чилида ҳарбий хунта жиноятларини текширувчи халқаро комиссиянинг бугунги мажлисида Чилидаги ҳарбий трибуналларнинг фаолиятини ва бошқа бир қанча масалаларни қараб чиқишга киришилди.

А. САДАТНИНГ БОННГА ВИЗИТИ

БОНН, 29 март. (ТАСС). Миср Араб Республикаси президенти А. Садат бугун ГФРга келди. У Европадаги бир қанча мамлакатлар бўйлаб сафар қилади.

Ғарбий Германия матбуотининг хабарларига қараганда, Садат расмий визитидан асосий мақсад — ГФРдан молиявий-иқтисодий мадад олиш, имкони бўлса қуролларининг баъзи турларининг етказиб берилишига эришишдан иборат.

«Генерал-ансайгер» газетаси Садатнинг визити у снёсий жиҳатдан «мушкул аҳвол»га тушиб қолган бир пайтда бошланмоқда, деб ёзади. Ички снёсат соҳасида, деб таъкидлайди газета, Садат олдида давлатнинг танг аҳволга тушиб қолиши, ташқи снёсат соҳасида эса араб мамлакатлари лагерида тўла яккаланиб қолиш хавфи тугилмоқда.

АНГОЛА ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. АХР Миллий армиясининг жангчилари Уамбонинг озод қилинишига бағишланган митингда.

В. Будан фотоси. (ТАСС).

КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

Я. Охунбобоев номли Тошкент ёш томошабинлар театри мактабларнинг кўкламги каникулига атаб ўзининг репертуаридаги йигирма саккизта спектаклнинг ҳаммасини тайёрлади. Тошкентдан бир неча юзлаб километр олисда яшаётган ёш томошабинларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган бу бадиий коллектив ўз ижодий ҳисобини шу тарзда якунлаяпти. Ўнлаб илғорлар — Эргаш Исоқов, Эрлин Баймонов, Анатолий Вуоров, Камолиддин Раҳмонов, Ўрмон Бердиев каби шахта ишчиларига ҳам янги совет паспорти берилади. Сўнг пионерлар клуб саҳнасига чиқиб, «қизил паспорт» олаётган шахтёрларни табриклашади.

Шунингдек Ангрен шаҳар Облиқ посёлкаси Спутник кўчасидаги 6-уйда истиқомат қилувчи 15 боланинг отаси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Абдуҳаким Жўраевга ўз ҳовлисида фарзандлари ёнида тантанали вазиятда янги паспорт топширилди. Шаҳар ички ишлар бошқармаси паспорт бўлимининг бошлиғи Мария Володина Абдуҳаким ахага унинг оиласига бахт-саодат, саломатлик тилади.

Янги паспортни қабул қилиб олар экан, Абдуҳаким Жўраев бундай деди:

Бу кун бошқалар сингари менинг дилимда ҳам ўчмас из қолдиради. Мен Совет Иттифоқи граждани бўлишим билан фахрланаман. Янги паспортни қабул қилиб олар эканман, яна бир марта партия-ҳукуматга ташаккур билдираман.

Янги паспортни қабул олган Абдуҳаким аканинг рафиқаси Саднисса Жўраева, фарзандлари — Абдукарим Жўраев, Тўлқин Жўраев, Замира Жўраева, Мавлуда Жўраевалар ҳам партия-ҳукуматга раҳматнома изҳор этдилар.

Мана шундай маросимлар Ангрен шаҳрининг бошқа корхона ва ҳонадонларида ҳам яна ўтказиб турилибди. Ҳозиргача мингдан ортиқ гражданга янги паспорт берилди.

* * *

ЧИРЧИҚ шаҳрида ҳам янги паспорт топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Яқинда ўн олти ёшга тўлган 13-билим юрти ўқувчиларига янги паспорт топширилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чирчиқ шаҳрининг фахрий граждани Омон Илёсов, Ҳаким Шоҳиров, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси П. П. Кибирсевлар биринчи бўлиб янги совет паспортларини олишди.

* * *

ОҚҚУРҒОН районида меҳнат ветераналарига, уруш қатнашчиларига шунингдек ўрта мактабни битирувчи ўқувчи ёшларга янги паспортлар топширилди.

Бу маросимда район ижроия комитетининг раис ўринбосари У. Мирзақулов, район партия комитетининг ташкилий ишлар бўлими мудири Н. Мадаминов, район ички ишлар бўлими бошлиғи Х. Комилжонов, район ички ишлар паспорт бўлими бошлиғи Т. Туранов, Улуғ Ватан уруши ветерани Абдулла Аҳмедовлар қатнашдилар. Улар биринчи бўлиб, «Ленинобод» колхозининг собиқ раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, шахсий пенсионер Мадраим Юнусовга янги паспорт топширдилар. Шундан сўнг Жданов номли 3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Саодат Умировага, Ҳикмат Алимов, Гулсин Усарова ва Саодат Алиева каби ўнлаб ўқувчи ёшлар янги паспорт олдилар. Ҳозиргача бу районда икки мингга яқин гражданларга паспорт топширилди.

З. ОТАХОНОВ.

Пойтахтнинг Октябрь районида жойлашган 9-дорихона хизматидан аҳоли мамнун. Суратда: дорихона мудири М. Усмонов билан фармацевт Х. Алимова тайёр дориларни кўздан кечиришмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ГРАЖДАН МУДОФААСИ МАШҚЛАРИ

РЕПОРТАЖ

Шу куни ҳаво анча очиқ, баҳор қуёши илиқ нурларини сочиб турарди. Атрофдаги оппоқ қор билан қопланган салобатли тоғлар, ҳузурбахш шабада эса кишига аллақандай кўтаринки кайфият берарди.

Лекин, мезбонлар ҳам, меҳмонлар ҳам бошқа ташвишда эдилар. Бугун районга областдаги барча район ва шаҳарлар граждан мудофааси бошлиқлари келишган бўстонлиқликлар — уларга граждан мудофааси бўйича амалга оширилган ишлар, тажрибалари ҳақида сўзлаб беришлари, керак.

...Эрта билан Тошкентдан буйруқ олинди: Ҳаво тревогаси! Райондаги ҳамма граждан мудофааси штаблари, хизмат отрядлари эвакуация комиссиялари оёққа турди. Жуда қисқа муддатда ҳужумдан сақланиш учун барча тадбирлар кўрилди. Ҳаво ҳужумидан муҳофаза қиладиган ертўлалар тайёрланди.

Район штабида ҳам иш қизғин. Навбатчи алоқачи телефони кетма-кет жиринглайди. Отрядлар, эвакуация комиссияларининг бошлиқлари қандай ҳаракат қилаётганликлари ҳақида маълумот бериб туришибди. Шу пайтда штаб жойлашган бинога кирган киши ўзини чинакам ҳарбий вазиятга тушиб қолгандай ҳис қиладi.

Уч кун давом этган комплекс кўрсатув машқларида граждан мудофааси ходимлари бенуқсон ҳаракат қилиб, барча топшириқларни аниқ бажардилар. Шу куни яна бир неча марта ҳимояланиш, аҳолини хавфсиз ерларга эвакуация қилиш ҳақида топшириқ олинди. Ўқув машғулотлари пайтида районда граждан мудофаси машқларига анча яхши тайёргарлик кўрилганлиги маълум бўлди.

Машқларнинг иккинчи кунида меҳмонлар граждан мудофаси объектларини кўздан кечирдилар.

Дастлабки манзил — Сойлиқ қишлоғида бўлган меҳмонлар амалга оширилган ишларга юксак баҳо бердилар. Қишлоқ Совети раиси керакли вазиятга келтирилган, эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиб олувчи, рўйхатга олиш, ота-оналар ва медицина ҳоналари ва ҳоказолар ташкил қилинган.

«Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози граждан мудофааси отрядлари тревога пайтида қандай ҳаракат қилишнинг аниқ программасини олдиндан белгилаб қўйибдилар. Колхоздаги ҳонадонлар, мактаб, идора ва клуб зарур пайтда кўчириб келтириладиган аҳолини қабул қилиб олишга шай турибди.

Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинатида кўрилган тадбирлар ҳам катта таассурот қолдирди. Хизмат ўрсатиш ва қутқарув отрядлари тревога бўлиши билан корхона ишчи ва хизматчиларини хавф-хатардан қутқариш учун барча чораларни кўради. Шунингдек, бу ерда комбинат турар-жой массивида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилган. Меҳмонлар граждан мудофааси фаолияти билан танишибгина қолмай, корхона цехларида бўлдилар, ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирдилар.

Бу борада бир неча марта Тошкентдан сигнал олинди. Граждан мудофааси штаблари яна бенуқсон ҳаракат қилиб, ўз вазифаларини кўнгилдагидек бажардилар. Кеча бориб эса район партия комитетининг мажлислар залида комплекс-кўрсатув машқлари қандай ўтганлиги муҳокама қилинди. Область граждан мудофааси штабининг бошлиғи полковник Н. Очилов машқдаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирди.

— Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаб боришга тинмай ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда, — деди Н. Очилов. — КПСС XXV съезди материалларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилган.

Шундан сўнг область граждан мудофааси штабининг бошлиғи машқлар муваффақиятли ўтаётганлигини айтиб, айрим камчиликлар ҳақида тўхталди.

...Район граждан мудофааси штабининг бошлиғи запасдаги младший лейтенант Йўлдош Мадраимов «Энди бироз дам олиш мумкин» деган хаёлда ўз хонасига кирди-ю, чарчоқдан ўзини стулга ташлади. Икки ҳафта бўлибдики, район штабида шу машқларга қизғин тайёргарлик кетмоқда.

— Ўртоқ штаб бошлиғи, сизни полковник йўқлаяпти, — хонага кирган штаб аъзоларидан бирининг бу сўзлари Мадраимовнинг ҳаёлини бўлиб юборди.

— Хўш, ўртоқ Мадраимов, чарчамадингизми?

Йўлдош жавоб ўрнига жилмайиб қўйди:

— Ҳеч қиси йўқ, бу ҳамма учун қатта мактаб бўлди. Бундан кейинги ишларни бўшаштирманг.

* * *

Бўстонлиқ районидаги граждан мудофааси бўйича ўтказилган комплекс кўрсатув машқларида область граждан мудофааси бошлиғи, область ижроия комитетининг раиси П. Юсупов ва республика граждан мудофааси штабининг бошлиғи генерал-майор С. Охунжонов ўртоқлар қатнашдилар.

А. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

САНЪАТКОРЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР МЕҲМОНИ

Яқинда Ўзбекистон Давлат филармониясининг бир группа санъаткорлари Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли хўжалик аъзолари меҳмони бўлишди.

Колхоз клубида катта муваффақият билан ўтган бу концертда республикада хизмат кўрсатган артист Шариф Султонов, солистлардан Отахон Матёқубов, Ширмоной Абдуллаева, Нодира Аҳмедова, Абдуфаттоҳ Саидовлар ижро этган лирик қўшиқ ва рақслар томошабинларга манзур бўлди.

Т. ЖУРАЕВ.

ЗИЁ ТАРҚАТИБ

Каримжон Эгамбердиев салкам чорак асрдан бери киоскачи бўлиб ишлаб келмоқда. Мана шу касбда у обрў-эътибор топди.

— Марказий, республика ва область газеталарининг ҳаммасини, ўнлаб хил журналларни ўқувчига етказишда озми-кўпми ҳиссам борлиги билан фахрланамай, — дейди кекса матбаачи.

Ойлик ва квартал планларини мунтазам ошириб адо этиб келаётган 17-киоска сотувчиси К. Эгамбердиев «Союзпечать» шаҳар бўлими томонидан бир неча бор ёрлиқ ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланган.

Ҳ. ЗАЙНИДДИНОВ.

КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ...

АНГРЕН шаҳридаги 9-шахта клубида янги паспорт топшириш маросими бўлди.

Клуб залига шахтада узоқ вақт ишлаб, фидокорона меҳнати билан донг таратган ўтюрак ишчилар, Ангрен шаҳрининг фахрий граждانлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан урушн қатнашчилари йиғилишди.

Шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Ю. Остриков шахтанинг машҳур ишчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Ҳасанова, КПСС XXV съезди делегати, Ленин ордени ордонбор шахтёр Абдурахмон Маматова янги паспорт топширади. Ўнлаб илғорлар — Эргаш Исоқов, Эрлин Баймонов, Анатолий Вуоров, Камолиддин Раҳмонов, Ўрмон Бердиев каби шахта ишчиларига ҳам янги совет паспорти берилади. Сўнг пионерлар клуб саҳнасига чиқиб, «қизил паспорт» олаётган шахтёрларни табриклашади.

Шунингдек Ангрен шаҳар Облиқ посёлкаси Спутник кўчасидаги 6-уйда истиқомат қилувчи 15 боланинг отаси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Абдуҳаким Жўраевга ўз ҳовлисида фарзандлари ёнида тантанали вазиятда янги паспорт топширилди. Шаҳар ички ишлар бошқармаси паспорт бўлимининг бошлиғи Мария Володина Абдуҳаким ахага унинг оиласига бахт-саодат, саломатлик тилади.

Янги паспортни қабул қилиб олар экан, Абдуҳаким Жўраев бундай деди:

Бу кун бошқалар сингари менинг дилимда ҳам ўчмас из қолдиради. Мен Совет Иттифоқи граждани бўлишим билан фахрланаман. Янги паспортни қабул қилиб олар эканман, яна бир марта партия-ҳукуматга ташаккур билдираман.

Янги паспортни қабул олган Абдуҳаким аканинг рафиқаси Саднисса Жўраева, фарзандлари — Абдукарим Жўраев, Тўлқин Жўраев, Замира Жўраева, Мавлуда Жўраевалар ҳам партия-ҳукуматга раҳматнома изҳор этдилар.

Мана шундай маросимлар Ангрен шаҳрининг бошқа корхона ва ҳонадонларида ҳам яна ўтказиб турилибди. Ҳозиргача мингдан ортиқ гражданга янги паспорт берилди.

* * *

ЧИРЧИҚ шаҳрида ҳам янги паспорт топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Яқинда ўн олти ёшга тўлган 13-билим юрти ўқувчиларига янги паспорт топширилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чирчиқ шаҳрининг фахрий граждани Омон Илёсов, Ҳаким Шоҳиров, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси П. П. Кибирсевлар биринчи бўлиб янги совет паспортларини олишди.

* * *

ОҚҚУРҒОН районида меҳнат ветераналарига, уруш қатнашчиларига шунингдек ўрта мактабни битирувчи ўқувчи ёшларга янги паспортлар топширилди.

Бу маросимда район ижроия комитетининг раис ўринбосари У. Мирзақулов, район партия комитетининг ташкилий ишлар бўлими мудири Н. Мадаминов, район ички ишлар бўлими бошлиғи Х. Комилжонов, район ички ишлар паспорт бўлими бошлиғи Т. Туранов, Улуғ Ватан уруши ветерани Абдулла Аҳмедовлар қатнашдилар. Улар биринчи бўлиб, «Ленинобод» колхозининг собиқ раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, шахсий пенсионер Мадраим Юнусовга янги паспорт топширдилар. Шундан сўнг Жданов номли 3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Саодат Умировага, Ҳикмат Алимов, Гулсин Усарова ва Саодат Алиева каби ўнлаб ўқувчи ёшлар янги паспорт олдилар. Ҳозиргача бу районда икки мингга яқин гражданларга паспорт топширилди.

З. ОТАХОНОВ.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Халқ судларига сайловлар яқинлашмоқда. Калинин районидаги «Қорасув» совхози агитпунктида бу борада барча тадбирлар кўрилган, ишлар аниқ план асосида олиб борилаётир. Агитпункт ходимлари асосан Хонобод қишлоқ Совети активларидан, шунингдек, шу қишлоқ зиёлилари, комсомол-ёшлардан иборат.

Буларнинг ташаббуси билан суд сайловига атаб бир неча бор қизиқарли кеча ўтказилди, лекция ва суҳбатлар уюштирилди. Х. Усмонова, Х. Исоқова М. Давлатова сингари агитаторлар қишлоқ аҳолиси ўртасида турли мавзуларда тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Агитпунктда Совет сайлов системасининг демократик хусуситлари, халқ судлари тўғрисида бир неча суҳбатлар ўтказилди.

Агитпунктда турли стендлар ташкил этилган. Сайловчиларнинг рўйхатлари қайд этилган махсус кўргазма тахталари ҳам аллақачоноқ тайёрлаб қўйилган. Бу ерда агитаторлар билан тезтез семинарлар ўтказилмоқда.

Т. ИКРОМОВ,
Е. МОРДУХАЕВ.

ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

Республика «Билим» ўйида Япония кинематографиясига бағишланган тематик кеча ўтказилди. Кеча иштирокчилари Японияда машҳур бўлган шу санъатнинг ривожланиши, шу мамлакатдаги етакчи кинематографиячиларининг ишлари тўғрисидаги лекцияни тингладилар, Япония кинематографиячиларининг жаҳон экранларида шуҳрат қозонган фильмларидан парчаларни томоша қилдилар.

Япония кино санъати тўғрисидаги батафсил суҳбат Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари тўртинчи кинофестивалига тайёргарлик планида мўлжалланган тадбирлар программасини очиб берди. Ойига икки — уч марта ана шундай тематик кечалар ўтказиб туришга қарор қилинган. Бу кечаларнинг иштирокчилари уч қитъа кинематографиячиларининг Тошкент учрашувида қатнашадиган бир қанча мамлакатларнинг экран усталари ижоди билан танишадилар.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

31 МАРТ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти

МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати КАРИМА УЗОҚОВА;

VI Жаҳон фестивалининг лауреати ОТАЖОН РАЖАБОВ;

СОЛИСТЛАР: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожианбар ҲАМИДОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ;

Миниатюра ва интермедияларда: Турсунбой ҲАКИМОВ, Ҳайитали НИЗОМИДДИНОВ, Рихсибой ТУХТАЕВ, Низомиддин ОЛОВИДДИНОВ ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Режиссёр — Сотимхон ИНОМХУЖАЕВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Ханифа ОРТИҚБОЕВА олиб борадилар.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

ХАВФЛИ ҲАШАРОТ

Халқимизда «Озодалик — саломатлик гарови» деган гап бор. Бинобарин, кишиларнинг соғлиғини таъминлашда озодаликнинг роли каттадир.

Баҳор келиши билан озодалик, юксак санитария маданияти учун кураш янада кучайиб кетди. Турар-жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун шанбаликлар ўтказила бошланди. Кўпгина районларнинг аҳолиси ҳовли ва кўчаларни тартибга келтириб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишяпти.

Ёз шароитида санитария ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаслик ошқозон-ичак касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш чоралари жуда оддий. Лекин, шунга қарамай, орамизда касаллик тарқатилишига ва ўнинг олдини олиш чораларига бефарқ қарайдиганлар ҳам топилади.

Юқумли касалликларнинг тарқалишига айниқса пашшалар кўпроқ сабабчи бўлади. Пашшаларга қарши кураш — ҳар хил юқумли ичак касалликларига қарши кураш, демакдир. Пашша — инфекция манбаи, соғлиқ душмани ҳисобланади.

Пашша турли касалликларни қўзғатувчи дизентерия, қорин тифи, сил ва шу каби кўпгина хасталикларнинг бактерияларини ўзлари билан эрғаштириб, ювилмаган идишларга, овқат маҳсулотларига юқтириши мумкин. Бу ҳол, шубҳасиз, юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келади.

Бунга йўл қўймаслик учун, аввало турар-жой, ҳовли, кўчалар, ариқ ва ҳожатхоналарни озода тутиш, ахлатларни ўз вақтида олиб кетиш, оқар сувларнинг турли чиқиндилар билан ифлосланишига йўл қўймаслик керак. Пашшага қарши курашда кимёвий воситаларни, хлорофос, нафтализол, хлорли оҳак, хлорофосли қоғоз ва бошқаларни қўллаш мумкин. Ҳонадонлар ва турар-жой биноларидаги пашшаларни йўқотиш учун хлорофос эритмаси билан дизенфекция қилинади ва бошқа чора-тадбирлар кўрилади.

Бу хил химиявий дориларни хўжалик моллари магазинлари ва дорихоналардан сотиб олиш мумкин. Кимёвий дорилар ишлатилганда ҳонадаги озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик сувлар ташқарига олиб чиқилиши лозим.

С. УМАРОВ,
республикада хизмат кўрсатган врач.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРДА

Ўзбекистонлик мўйқалам усталари орасида плакат чизувчи рассомлар ҳам анчагина. Шунинг қувончлиги, бу истеъдодлар яратган янги плакат асарларидан бир нечтаси Иттифоқ миқёсида ташкил этилган кўргазмаларда муваффақиятли намойиш қилинди.

Тинчлик ва баҳт темасида фаол ижод қилаётган плакатчи Ф. Каҳаров асарлари Москва ва Варшавада очилган халқаро кўргазмалардан муносиб ўрин олди.

Ижодкорлардан К. Башаров, А. Балканов, М. Громиколарнинг асарлари эса Бутуниттифоқ ҳамда республикаларо кўргазмалар томонидан мукофот ва дипломлар билан тақдирланди.

◆ ҚУЙИ ЧИРЧИҚ район Маданият уйида ташкил этилган, «Дрозды» номли вокал-инструменталь ёшлар ансамбли ўтган йили чорвадорлар, пахтакорлар, сабзавоткорлар ва бошқа хўжалик меҳнаткашлари учун 50 дан ортиқ концерт беришган эди. Шунингдек, бир неча бор тошкентлик томошабинлар ҳам уларнинг санъатларидан баҳраманд бўлганлар. Бу йил ансамбль коллективи ўз репертуарларини янада бойитишга, санъат шинавандалари қалбига йўл топишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Суратда: ансамбль иштирокчиларидан Аҳад Камолов ва Владимир Просвирнин.

Қ. Розиқов фотоси. [ЎзТАГ].

Спорт

КУБОК МУСОБАҚАЛАРИ

СССР кубоги учун навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Куйбишевнинг «Крылья Советов» командаси Сочида Минск динамочилари билан учрашиб, 3:1 ҳисобида ғолиб келди. Ворошиловграднинг «Заря» командаси ўз майдонида Благовешченскнинг «Амур» коллективини 2:1 ҳисобида енгди. Донецкнинг «Шахтёр» футболчилари эса Бокунинг «Нефтчи» командаси билан бўлган учрашувда 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Кубок учун нимчорак ўйинларида олий лигада қатнашаётган 16 командининг 14 таси мусобақани давом эттиради. Москванинг «Спартак» командаси билан Минск динамочилари бллур соврин мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди.

«БУРЕВЕСТНИК» ҒОЛИБ

Кеча Тошкентда теннис бўйича республика кубоги учун ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. «Буревестник» жамияти вакиллари умумкоманда ҳисобида ғолиб келиб, кубок эгаси бўлдилар. Студентлар терма командаси ғалабасига айниқса И. Лимакина, Г. Сорокотлга, В. Безверхов, Ш. Чеботаревлар салмоқли ҳисса қўшишди.

Ғолиблар СССР кубоги учун фикал учрашувларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

УҚУВЧИ СПОРТЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программаси асосида болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган мусобақалар давом этмоқда.

Баскетбол бўйича бўлган биринчилик ўйинлари ниҳоятда кескин ўтди. Ўсмирлар беллашувида фарғоналиклар биринчи ўринни эгаллашди. Андижонда мусобақалашган қизлар командаси ўртасида тошкентликлар биринчи ўринни олишди.

Эркин кураш бўйича ўтказилган мусобақада эса самарқандликлар биринчи, Андижон ва Тошкент область вакиллари иккинчи ҳамда учинчи ўриндиларни олишди. Мерганлик, футбол, классик кураш бўйича ўтказилган мусобақалар ҳам ниҳоясига етди. Ёш футболчилар Олмалиқда куч синашдилар. Фарғона командаси турнир ғолиби бўлди. Тошкентлик ёш футболчилар иккинчи, Самарқанд командаси учинчи ўринни олди.

Бугун спартакиада программаси асосида ўтказилган 13 тур бўйича мусобақаларга якун ясалади.

Май ойида эса ёш спортчилар енгил атлетика, сузиш ҳамда академик эшкак эшиш бўйича беллашадилар.

ИККИ ТУРДАН СЎНГ

Одессада волейбол бўйича олий лига командаларининг иккинчи тур ўйинлари тугади. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси олти учрашув ўтказиб, икки марта ғалаба қозонди, тўрт ўйинда ютқазди. Тошкентда ўтказилган биринчи тур ўйинларида беш ўйиндан 4 очко тўплаган волейболчиларимиз Одессадаги иккинчи тур ўйинларида анча бўш қатнашдилар. Командамиз 6 очко билан бешинчи ўринда бормоқда.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — «Юлдузча». 18.30 — КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга! 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Зангори экран» почтаси. 20.00 — «Ёрқин ҳаёт». 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Ёш ижрочилар концерти. 22.00 — «Вақт». 22.30 «Бунёдкор». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Яшил дўстлар. 11.50 — Ғайри оддий яшанба (бадиий фильм). 17.55 — МОСКВА. Капитан Немо (3-серия). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қўйиш акси бор. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Борис Годунов (опера). 22.00 — Ўқитувчилар учун консультация. 22.30 — Спортлото. 22.40 — Балли, қизлар! УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — Анал сиртмоғида (бадиий фильм). 21.35 — Партия планлари — халқ планлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31 III да Уйланиш (12.00), Бой ила хизматчи (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31 III да Комедия, комедия ёхуд ҳангома (кундузи), Ужарлар (кечқурун).

КИНО

Анна ва командор — «ДРУЖБА» (11.00, 12.00, 19.00, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ҳўрланганлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), «ТИНЧЛИК» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Жозибали бахт юлдузи — «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Қисқа муддатли отпуск — «НУРУС» (11.00, 13.00, 15.00, 20.45).

Жек мўъжизалар ўлкасида — «КЎКЧА» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.50).

Моҳир учувчи — С. РАҲИМОВ номли (жуфт соатларда).

Саҳро ва чангалзорларда — Ғ. ҒУЛОМ номли (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Ҳамраз — «ЯНГИОБОД» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Мақсад сари — «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.15).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р—14437. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. В. 2521.